Перед Вами
Объяснение игры "Пирамида",
в которой
каждый игрок может выиграть
50 000 000 сум

Как это сделать:
В игре участвуют 10 шаров от 0 до 9.
Во время игры из барабана вытаскиваются
все 10 шаров, и расставляются
в ячейки пирамиды по порядку слева направо.
Например, шары выпали
в таком порядке:



Рис № 16

Сравните рисунок № 16 с примерами билетов, пронумерованных от 1 до 15.

Рассмотрим пример № 9:
В этом примере цифры в строках B+C совпали с выпавшими шарами (по рис.№ 16).
В этом случае Вы выигрываете сумму, указанную под этим примером, т.е. 100.000 сум.

Рассмотрим пример № 1:
Если у Вас совпало расположение любых 3-х или более цифр, независимо от строк, то Ваш выигрыш составляет 500 сум.

Рассмотрим пример № 15:
Если у Вас цифры всех четырх строк A+B+C+D совпали с выпавшими шарами, то Вы выиграли 25.000.000 сум!
Каждый выигравший от 500.000 сум и более, может удвоить свой выигрыш, посетив прямой эфир игры "Пирамида".

Внимание!!!
На каждый билет
выплачивается только максимальный выигрыш!
Игра проходит каждый понедельник в 19:00
на первом государственном канале.




Сизнинг олдингизда
"Пирамида" ўйинининг тушунчаси,
бу ўйинда ҳар бир иштирокчи
50 000 000 сўм
ютиши мумкин.

Бу қандай ўйналади:
Ўйинда 10-та шар 0 дан 9 гача иштирок этади.
Ўйин давомида барабандан ҳамма 10 та шар олинади ва чапдан — ўнга, бирин-кетин пирамидага таҳланади.
Масалан, расмда шарлар қуйдагича чиқди:



расм № 16

№ 16 расмни чиптанинг мисоллари билан солиштиринг 1-дан - 15 гача.

№ 9 мисол:
Бу мисолда B+C қаторлардаги сонлар № 16 расмдаги шарлар билан бир хил чиқди.
Демак, сиз тагида силган 100 000 сўмни ютган бўласиз.

№ 1 мисол:
Агар 3 та еки ундан кўп соннинг жойланиши, № 16 расмдаги шарлар билан бир хил бўлса, ютугингиз 500 сўм бўлади.

№ 15 мисол:
Агар 4-та қаторнинг A+B+C+D сонлари, тушган шарлар билан бир хил булса, ютугингиз 25 000 000 сўм бўлади.
Ҳар бир 500 000 сум ва ундан кўп ютган одам, "Пирамида" ўйинининг жонли эфирига келиб, ютугин 2 баробар кўпайтирса бўлади.

Эътибор!!!
Ҳар бир чиптага фақат
максимал ютуқ туланади!
Ўйин ҳар душанба, соат 19:00 да
биринчи давлат каналида ўтказилади.









## Кўнгилга ташриф

Камолиддин ака Раҳматовнинг санъатга кириб келишига кўпроқ отаси Каримжон ака ва умуман оилавий шароити сабабчи бўлган, десам хато бўлмас. Марғилонлик созанда ва хонанда Каримжон Раҳматов ўз касби ва фаолиятидан келиб чиққан ҳолда доимо ижодкорлар, санъат аҳли вакиллари билан бевосита мулоқотда бўлган. Айнан шундай муҳитда вояга етган мақоламиз қаҳрамони олти ёшлигиданоқ қўшиқ ижро эта бошлаган. «Онажон» номли қўшиғи билан сирли олам сари илк қадам ташлаб, шу пайтга қадар улуғ даргоҳ – санъат оламининг ҳақиқий «фуқароси»га айлангани бор гап.

Аввало, мусиқа мактабида таҳсил олган болакай кейинчалик, Фарғона университети мусиқа бўлимини муваффақиятли тамомлаган.

# САНЪАТ – ГЎЗАЛЛИККА ЕТАКЛАР



Айни кунда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг етук хонандаси, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор капитан Камолиддин Раҳматов барчамизнинг севимли байрамимиз 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунида халқимизга янги ижод намуналарини тақдим этиш ҳаракатида.

– Ҳар соҳада бўлгани каби санъатда ҳам устоз кўриш муҳим саналади. Шундай экан, аввало устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Энг биринчи устозим албатта, падари бузрукворимдир. Шунингдек, мусиқа мактабида Нейла ва Рита Романовналар, университетда Аъзамжон Умаров, Саиджон Дадажонов сингари инсонлардан сабоқлар олганман. Қолаверса, инсон ҳаёти давомида ўқиб-изланишдан, ўрганишдан тўхтамайди ва ҳар кишидан ибрат олиши мумкин.

– Қайси шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз?

– Искандар Раҳмон, Арслонбек Карим, Абдукарим Жумабоев ва бошқалар.

– «Азиз санъатим» қўшиғингиз айнан санъат ҳақидадир. Ушбу қўшиққа тўхталиб ўтсангиз.

– Қўшиқ шеъри марғилонлик Абдукарим Жумабоев қаламига мансуб. Ушбу қўшиқни яратишда имкон қадар бор маҳоратим, тўплаган тажрибамдан фойдаланишга ҳаракат қилганман. Балки, қўшиқнинг таъсирли чиқишида айнан шу омил сабабчи бўлгандир.

– Мазкур қўшиқда куйланганидек, асл санъаткорнинг қувончи, юпанчи ва таянчи санъат ҳисобланади. Бироқ, афсуски бугунги кунда санъат даромад манбаига айланиб қолмоқда...

– Тўғри, санъат оламига пул учун кираётганлар кўпайиб кетяпти. Фикримча, бу хато. Ўз нуқтаи-назаримдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, уч-тўрт сўм пул қилиш учун эмас, балки ўзимдан из қолдириш мақсадида қўшиқ айтяпман. Менинг қўшиқларим ҳам узоқ йиллар куйланишини, янграшини, унутилмаслигини жуда-жуда хоҳлайман. Очиғини айтганда, санъаткор учун қисқа вақт ичида юлдуз бўлиб, порлаб ва шундай тезликда сўнишдан кўра даҳшатлироқ нарса бўлмаса керак. Бу соҳага адашиб кириб қолганларга келсак, кимдир ота-онасининг мажбурлаши орқали хонанда бўлади. Яна кимнидир истеъдоди бўлмасада, хонанда бўлишни орзу қилади. Ҳаёт жуда мураккаб. Тушуниб бўлмайдиган томонлари кўп. Ҳар кимнинг тафаккури ҳар хил. Ошни ёқтирган одамга шўрвани мақтаб бўлмаганидек, тингловчиларга ҳам, сен буни эшит, мана бу ундан зўр, деб бўлмайди. Санъатга ҳатто ки адашиб кириб қолганлар ҳам устоз кўради. Ўша устози унга керакли бўлган маслаҳатларни беради. Аммо бу ерда яна бир нарса борки, у ҳам бўлса, истеъдод. Ҳамма томон зўр бўлгани билан истеъдод бўлмаса, ижодкор ҳеч қачон яхши, одамларни қойил қиладиган хонанда бўла олмайди. Лекин у барибир интилаверади, йўлидан қайтмайди. Бу айбини ўша одамнинг юзига айтсангиз, хафа бўлиши мумкин. Мени истеъдодимни, санъатимни кўра олмаяпти, дейдиганлар ҳам учраб қолади. Шунинг учун ҳар доим ҳар қандай ижод маҳсули халққа ҳавола этилади ва одамларнинг ўзлари эса, саралаб олишаверади.

Дарвоқе, устоз санъаткорнинг уч фарзандидан иккитаси яъни ўғиллари Ҳусниддин ва Нозимбеклар мусиқа мактабида таълим олмоқда. Отанинг таъкидлашича, фарзандларининг санъат йўлини танлаш ёки танламаслигидан қатий назар мусиқа билан ошно бўлиши уларнинг тарбиясида, ички дунёси, руҳияти гўзаллигига ижобий таъсир ўтказиши аниқ. Қолаверса, бу сабоқлар уларга санъатнинг нафис жилоларини ҳис этиш, завқлана билиш, завқ ола билиш қувончини бағишлайди. Чунки, санъат – гўзалликка етаклар.

«Азиз санъатим», «Кимга ёқдим», «Дўстлар саломат бўлса бас», «Ҳижроннинг садосиман», Ватан, ватанпарварлик, юрт посбонлари ҳақида куйлаган «Бу – менинг Ватаним», «Ўхшайди», «Она диёр мадҳи», «Маҳаллам», «Ярашгай», «Жон Ватан», «Ҳар баҳор, ҳар кузда», «Ўзбекистон аскарларимиз», «Фарзандимиз Ўзбекистонни» сингари қўшиқлари билан нафақат ҳарбийларимиз балки, халқимиз орасида кўплаб мухлисларига эга санъаткор капитан Камолиддин Раҳматовга ижодий муваффақиятлар тилаган ҳолда, ундан янги-янги қўшиқлар кутиб қоламиз.

**Катта лейтенант Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ суҳбатлашди.**




## СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

### ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ФУТБОЛ БАЙРАМИ

«Олимжон заводдаги ишини тугатиши биланоқ ҳашар йўли билан қуриб битказилган стадион томон ошиқарди. Унинг ҳам заводда тажрибали ишчи эканлиги, ҳам футболнинг ипидан игнасигача ўзлаштириб олган қобилиятидан бошқалар ҳайратга тушишарди. Олимжон ака атрофига ёшларни тўпларди-да ҳафтанинг ҳар шанба кунида стадионни таъмирлашга, ободонлаштиришга, мусобақалар ўтказишга уринарди...» Таниқли спорт шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев ўзбек футболининг жонкуярларидан бири бўлган фарғоналик Олимжон Акбаров хусусида ана шундай хотиралар битган. Буни таъкидлаётганимизнинг сабаби яқинда пойтахтимизда ўзбек футболининг фидойиси бўлган бу инсон хотирасига бағишлаб журналистлар ўртасида мини-футбол мусобақаси бўлиб ўтганидир. Аниқроғи «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун мини-футбол бўйича Олимжон Акбаров хотира турнири ўтказилди.

Келинг, шу ўринда жонкуяр бу инсон ҳақида қисқача маълумот берайлик. Олимжон ака Яйпан пахта тозалаш заводида оддий ишчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик футболчи, мураббий бўлган. 1949-1950 йилларда Яйпанда ташкил этилган футбол жамоаси сафида маҳаллий ўғлонлардан биргина Олимжон ака бўлган. Бу инсонни ҳамшаҳарлари нафақат футболчи, мураббий сифатида, балки Яйпанга машҳур клубларни таклиф этиб, футбол спектаклини намойиш этган инсон сифатида ҳам эъзозлашади, хотирлашади. Масалан, Кемерова шаҳрининг «Кузбасс», Киевнинг «Динамо» клублари маҳаллий жамоа билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишгани водийликларга олам-олам завқ улашган. Ўзбекистон тумани ҳокимининг қарори билан Яйпан марказий стадионига водийнинг қалдирғоч футболчиси, ўзбек футболининг ашаддий тарғиботчиси Олимжон Акбаров номи берилиши ҳам унинг спортимиз ривожи йўлидаги улкан хизматларини таъкидлаб турибди.

Турнирга қайтадиган бўлсак, журналистлар 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда «Истиқлол» болалар спорт мажмуида баҳс олиб боришди. «А» гуруҳидан «Туркистон», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталари ва ЎзТВ «Спорт» канали, «В» гуруҳидан «Ўзбекистон футболи», «Маърифат», «Моҳият» газеталари ва «Янги аср авлоди» + «Ёш куч» журнали, «С» гуруҳидан «Халқ сўзи», «Хонадон +5х5» газеталари ва «Наврўз» радиоси, ниҳоят «Д» гуруҳидан «Ватанпарвар» газетаси, ЎзТВ «Ахборот», «Садо» Ўзбекистон радиоси жамоаларининг ижодкорлари ўрин эгаллашганди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзига хос бу футбол байрами журналистларимиз ўртасида нафақат соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, балки уларнинг янада жипслашишига, кенг ижодий ҳамкорликларига йўл очди. Қизғин, муросасиз баҳслар ўзбекистонлик журналистларнинг жисмоний тайёргарликлари юксак эканлигини кўрсатди.

Ниҳоят 6 ноябрь куни ғолиб ва совриндорлар аниқланди. «Спорт» телеканали ижодкорлари турнир ғолиби бўлишди. Иккинчи ўринни «Наврўз» радиоси, фахрли учинчи ўринни эса «Ўзбекистон футболи» жамоаси журналистлари забт этишди. Ҳомийлар ва мусобақа ташкилотчилари ғолиб совриндорларни муносиб тақдирлашди.

Ёпилиш маросимида турнирнинг анъанавий бўлиб қолиши, ҳатто вилоятлардаги оммавий ахборот воситаларидан ҳам келгусида жамоалар таклиф этилиши ҳақида фикрлар билдирилди. Муборак айём кунларида ўтказилган бу турнир футболимиз фидойисининг руҳини шод қилган бўлса ажабмас.

**И.ҚУРБОНОВ.**

### ПЕРВЕНСТВОВАЛИ ШТАБНЫЕ ОФИЦЕРЫ

На днях завершилось первенство Академии Вооруженных Сил по волейболу. В нем приняли участие семь команд, сформированных в учебном заведении.

В результате упорных поединков первое место завоевала сборная команда слушателей высших курсов по подготовке штабных офицеров. Успех команде принесли подполковники А.Колонов, Д.Исмаилов, Ф.Рахматуллаев, майоры А.Ёкубов, О.Амонов, капитаны М.Мадумаров, Ж.Хусенов и У.Тошов.

Вторыми призерами стали слушатели 2-го курса учебного факультета, третьими – слушатели 1-го курса того же факультета.

**Подполковник М.МАЖИДОВ.**

### МУДРЫЕ МЫСЛИ

- Наказание делающим зло состоит в том, чтобы ответным добром заставить их устыдиться своих дел.
**Индийское изречение.**
- Добро творишь – себя возвышаешь, зло творишь – себя унижаешь.
**Бирманская пословица.**
- Злому делать добро так же опасно, как доброму – зло.
**Плавт.**
- Лучшее в добрых делах – это желание их утаить.
**Б.Паскаль.**

## СКАНВОРД




## ИНТЕРНЕТ-НОВОСТИ



### Участницы драки отделались штрафом

Участницы беспрецедентной для женского баскетбола Литвы драки отделались минимальным штрафом в 300 литов (87 евро) и дисквалификацией на один матч. Инцидент произошел во время матча клайпедского клуба «Лемминкайнен» и мариямпольского «Арви». Драка между легионером «Арви» американкой Надей Морган и клайпедчанкой Кристиной Усайте **(на снимке)** началась с извинений литовки за жесткий фол, которые американка не приняла и дернула обидчицу за волосы, на что последовал удар кулаком в лицо. К участницам драки применены минимальные санкции, так как девушки сожалеют о случившемся в пылу спортивной борьбы и искренне раскаиваются. Ранее они ничего подобного себе не позволяли.



### В Бразилии строится Музей футбола

Уникальный Музей футбола появится в Бразилии – стране, которая чаще всех становилась чемпионом мира в этом виде спорта. Старт строительству музея был дан в Сан-Паулу. Экспозиция, которая займет 2,6 тысяч квадратных метров, разместится на городском стадионе «Пакаэмбу». На строительство будет потрачено 11 миллионов долларов, он откроется для посетителей в 2007 году. Его главными экспонатами станут предметы, напрямую связанные с пятью титулами чемпионов мира, что завоевала сборная Бразилии. Это мячи, которыми команда играла в финалах, форма, бутсы, редкие фотографии, личные вещи футболистов. Помимо этого, будут построены специальные аудиозалы.



### Кого признают победителем «Вуэльты»

Российский велогонщик Денис Меньшов из команды «Рабобанк» может быть признан 21 ноября 2005 года победителем велогонки «Вуэльта». В этот день Международный союз велосипедистов обнародует результаты допинг-пробы «В» четырехкратного победителя «Вуэльты» испанского велогонщика Роберто Эраса **(на снимке)**. Первый допинг-тест «А», взятый у него, дал положительный результат. Меньшов, который долгое время возглавлял общий зачет 60-й по счету веломногодневки «Вуэльта», проиграл Эрасу на 15-м горном этапе, где уступил более пяти минут. «Мое участие в гонке первоначально не планировалось, – признался Меньшов. – Когда включили в команду, то руководство поставило задачу выиграть один этап и занять место в итоговой десятке. До горных этапов я лидировал и полагал, что победа в гонке возможна».




### Продолжается борьба за ЕВРО-2012

Европейский союз футбольных ассоциаций сократил до трех число претендентов на организацию чемпионата Европы по футболу 2012 года, среди которых остались Украина и Польша, подавшие совместную заявку. Кроме них, в числе конкурентов остались Италия, и Хорватия с Венгрией, также совместно претендующие на то, чтобы стать хозяевами чемпионата Европы 2012 года. Окончательное решение будет принято в декабре 2006 года. Федерация футбола Польши уже практически признала поражение в борьбе за ЕВРО-2012 после доклада УЕФА, в котором указывается на недочеты в инфраструктуре стадионов, транспорта и отелей. В докладе УЕФА говорилось, что Польша и Украина вряд ли смогут выполнить все требования, касающихся отелей и условий тренировок для команд.

## ОБЪЯВЛЕНИЯ

- Куплю БК, газ. плиту, шв. маш., велосипед, рабочие и нерабочие. Т.: 74 95 15, 75 59 73.
- Куплю шв. маш. «Чайка», «Подольск»; «Веритас», «Келер», «Лада», 1022м, газ. плиту, холод., морозильник. Т.: 176 02 65.
- Ремонт бытовых и промышленных холодильников, кондиционеров. Т.: 74 95 15, 75 59 73.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ: А. ОБРЎЕВ, Х. ЗАЙНИЛОВ, А. УСМОНОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар: Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98 (факс); масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № J-1763. Адади 19300.